

Сурхондарё вилояти ҳокими девони ҳужжатларини
рўйхатга олиш ва жўнатиш
ВАРАҚАСИ

Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг 2019 йил 20 июлдаги
284/5-42-сонли қарори
(ҳужжатнинг номи)

Хужжатнинг тартиб рақами 284/5-42

20 июль 2019 й.

ЖЎНАТИШ РЎЙХАТИ

№	Хужжатни ижро этиш учун юборилаётган ташкилот, корхона, муассасалар номи	Нусха сони	Хужжатни олди (ФИШ)	Хужжат жўнатилди	Хужжатни олганлиги тўғрисида имзо
1.	Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимликлари	14		СМ	
2.	Вилоят ҳокимлигининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича мажмуаси	1		СМ	
3.	Вилоят ҳокимлигининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича мажмуаси	1		СМ	
4.	Сурхондарё вилояти ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича мажмуаси	1		СМ	
5.	Вилоят ҳокимлигининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича мажмуаси	1		СМ	
6.	Вилоят ҳокимлигининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича мажмуаси	1		СМ	
7.	Вилоят ҳокимлигининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича мажмуаси	1		СМ	
8.	Вилоят прокуратураси	1		СМ	
9.	Вилоят ИИБ	1		СМ	
10.	Вилоят давлат солиқ бошқармаси	1		СМ	
11.	Вилоят Хотин-қизлар қўмитаси	1		СМ	
12.	Вилоят молия бош бошқармаси	1		СМ	
13.	Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси	1		СМ	
14.	Марказий банк вилоят бош бошқармаси	1		СМ	
15.	Вилоят бандлик бошқармаси	1		СМ	
16.	Вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси	1		СМ	
17.	Вилоят Сувоқова ДУК	1		СМ	
18.	Вилоят Мажбурий ижро бюроси	1		СМ	
19.	Вилоят электр тармоқлари корхонаси	1		СМ	
20.	Савдо-саноат палатаси	1		СМ	
21.	Республика Маънавият ва маърифат маркази Сурхондарё вилояти бўлими	1		СМ	
22.	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси	1		СМ	
23.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят Кенгаши	1		СМ	
24.	Сурхондарё вилоят телерадиокомпанияси	1		СМ	
25.	Сурхондарё вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси	1		СМ	
26.	“Сурхон тонги” ва “Заря Сурхана” газеталари бирлашган тахририяти	1		СМ	
Жами	Халқ вабўлхоқаси	39+1		СМ	

Хужжатни жўнатишга тайёрлади

Handwritten signature

Н.Чориев



2019 йил 20 июль

№ 284/5-42

Термиз шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 январдаги 5633-сонли фармонининг вилоятдаги ижроси буйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сурхондарё вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудирининг ахбороти тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сурхондарё вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудирининг Эшмуратов Абдулҳаким Хушбоқовичнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги 5633-сонли фармонининг вилоятдаги ижроси буйича ахборотини тинглаб, билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сурхондарё вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудирининг Эшмуратов Абдулҳаким Хушбоқовичнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги 5633-сонли фармонининг вилоятдаги ижроси буйича ахбороти маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Термиз шаҳар ва барча туман сектор раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги 4102-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5633 сонли фармонлари ижроси юзасидан олиб борилаётган ишларини янада яхшилаш лозимлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Аҳоли томонидан энг кўп келиб тушаётган мурожаатлар Сурхондарё вилояти Бандлик бош бошқармаси (Б.Хурсанов), Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш буйича Сурхондарё вилояти кенгаши (Р.Авазов), Сурхондарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси (Б.Шукуров), Сурхондарё вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (П.Тангриев), вилоят “Сувоқова” ДУК директори (А.Абдусатторов), Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Сурхондарё вилояти Бош бошқармаси (У.Зокиров), Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Сурхондарё вилоят бошқармаси бошлиғи (Р.Намозов), Сурхондарё вилоят ҳудудий электр тармоқлари корхонаси директори (М.Шамсиддинов), Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқарма (Б.Мардаев) ларга тўғри

келаётганлигини инобатга олиб, ҳар бир мурожаатнинг сифатли қонуний асослангандигини ҳолда бажарилишини таъминлаб, ижобий ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратсин.

4. Термиз шаҳар ва барча туман сектор раҳбарларига:

ижтимоий масалалар жумладан, уй-жой коммунал, йўл, энергия, сув ва иссиқлик таъминоти, ижтимоий муҳофазанинг манзиллиги, ижтимоий соҳа объектлари, энг аввало соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа муассасаларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда бу борадаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, айниқса вояга етмаганлар, ёшлар ҳамда хотин-қизлар ўртасида профилактика ишларини ташкил этиш;

“Ёшлар-келажагимиз”, “Ҳар бир оила - тадбиркор” давлат дастурларида белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

ҳар бир сектор раҳбарлари ўз ҳудудида ҳафтада камида бир марта фуқаролар қабулини ва ойда бир марта сектор штабида “Тадбиркорлар куни”ни ташкил этиб, уларнинг муаммоларини ечиб бориш тизимини самарали ташкил этиш;

5. Вилоят ҳокимлигининг матбуот котиби З.Тўраев, вилоят телерадиокомпанияси (Б.Мингбоев), “Сурхон тонги” ва “Заря Сурхана” газеталари таҳририяти (Р.Раҳимова) билан биргаликда:

секторлар раҳбарларининг сайёр қабуллари бўйича лавҳалар тайёрлаб, вилоят ҳамда республика телевидениесига мунтазам узатиб бориш;

вилоятни комплекс ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича ҳудудлардаги секторлар фаолиятини ҳамда белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилишига алоқадор корхона ва ташкилот раҳбарлари томонидан йўл қўйилган хато-камчиликларни танқидий ёритиб бориш топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш, ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ф.Шарипов зиммасига юклатилсин.

7. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Сессия раиси



А.Артиков